



## МИКРОМАТН ВА УНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)

*Турниёзова Шаҳноза,*

*Самарқанд давлат чет тиллар институти  
филология фанлари номзоди*

**Калим сўзлар:** *микроматн, деривация, оператор, операнд, погонали муносабат.*

Матн тушунчаси кенг қамровли бўлиб, унинг ифода материали оддий графемадан бошланиб катта ҳажмли асарни ҳам тақозо этиши мумкин. Шу боис матннинг лингвистик талқинини беришда «микро» ва «макро» тушунчаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади. Бунда «микро» тушунчаси кичик матнлар талқинида, «макро» тушунчаси эса катта матнлар талқинида самарали қўллана олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, матн, микро- ёки макро- ҳолатда бўлишидан қатъи назар, тил унсурларининг нутқда реал қўлланиши намунасини акс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, «система» тушунчаси билан бевосита боғланади, зотан, тил бирлиги, қандай ҳажмда ёки кўринишда бўлса ҳам, нутқда реал қўлланар экан, у бир пайтнинг ўзида тил системасининг ҳам амалда қўлланаётганлигидан далолат беради. Демак, матннинг ҳар қандай шаклида ҳам тил системасининг нутқда намоён бўлишини кўради. Агар матн шакли кичик бўлса микросистема, катта ҳажмли матнларда эса макросистема амалда фаоллик кўрсатади. Буларнинг барчаси матн воқеланишининг деривацион хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда, микроматнлар деривацияси қонун-қоидалари макроматнлар деривацияси қонун-қоидаларидан кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, микроматн макроматннинг компоненти сифатида унинг таркибига кирганда, ўз мақомини ўзгартиради ва шу билан бирга, у билан бевосита боғлиқ бўлган қонун-қоидалар ҳам амалий қувватини йўқотади.

Матннинг ҳар қандай турида ҳам (микро- ёки макроматнларнинг барчасида) предикатив белги мавжуд бўлади. Матн семантик жиҳатдан яхлитликни, тугалланган фикр ифодасини берар экан, уни предикативлик тушунчасидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бир сўзли матннинг ифода материални кенгайтириб бўлмайди. Агар у кенгайтирилса, матн мақоми ўзгаради. Қиёсланг: «Тонг» - «Тонг шабадалари», «Тошкент» - «Тошкент оқшоми», «Morning»- «Morning breeze», «Tashkent» - «Tashkent evening».

Микроматн туб ёки ясама сўз билан ифодаланган бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам тил белгиси сифатида унинг ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатлари кўзга ташланади. Бунда унинг ифодаловчи жиҳати фонемалар мажмуасидан иборат бўлади, ифодаланувчи жиҳати эса бошқа тил белгиларидан кескин фарқланади, зотан, айни пайтда ёлғиз лексемага хос маъно ифодаси эмас, балки бутун бир матнга хос тугалланган мазмуний ифода воқеланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, туб ёки ясама сўз билан ифодаланган матнлар «компонент» тушунчаси нуқтаи назаридан фарқланади. Бошқача айтганда, туб сўз билан ифодаланган матнда «компонент» тушунчаси кун тартибига қўйилмайди. Чунки унинг таркибида фақат фонемалар муносабати кузатилади. Ясама сўз билан ифодаланган матн таркибида эса морфемалар муносабати ҳам мавжудлиги учун уларни шартли равишда микроматн компоненти деб номлаш мумкин. Аслида эса морфема матн компоненти мақомига эга бўла олмайди. «Ишчи», «Пахтакор», «



Worker», «Cotton picker» Бироқ шундай бўлса ҳам, ясама сўз орқали ифодаланган микроматн таркибида морфема ўзидан кичик тил бирлиги – фонема учун қўлланиш объекти вазифасини бажаради ва бу орқали тил системаси унсурулари ўртасида поғонали (иерархик) муносабат вужудга келади. Бошқача айтганда, фонемалар ва морфемалар ўртасидаги муносабатнинг ҳар бири, ўз навбатида, тилнинг микросистемалар қолипида амалда қўлланилишини акс эттиради ва унинг энг кичик birlikлари саналмиш фонемалар ва морфемаларнинг қўлланилиши жараёнида поғонали муносабат содир бўлади.

Туб сўз билан ифодаланган микроматн семантик деривация маҳсули саналади ва шу боис унинг шаклланиши фақат прагматик муҳит билан боғлиқ бўлади. Ясама сўз қолипида келган микроматн деривацияси эса аффикс морфема орқали ифодаланган операторга таянади. Бошқача айтганда, бунда лексик деривация қонуниятлари аҳамият касб этади. Туб сўз билан ифодаланган микроматннинг семантик деривацияси нол операторли бўлади. Бундай оператор тилнинг бирор реал воситаси орқали ифодаланмайди. Ясама сўз қолипидаги матн деривациясини эса реал операторли деб номлаймиз, зотан, бунда операторлар вазифасида аниқ ифодали аффикс иштирок этади.<sup>1</sup>

Айтиш лозимки, деривация ходисаси операторсиз воқеланмайди. Чунки оператор лексик деривацияда ҳам, синтактик деривацияда ҳам уларнинг вужудга келишини таъминловчи асосий восита саналади. Шу боис дериватологияда оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури сифатида талқин этилади<sup>2</sup>. Бироқ оператор морфологик унсур орқали ифодаланмаган бўлиши ҳам

мумкин. Бундай вазиятда, юқорида эслатилиб ўтилгани сингари, «нол оператор» тушунчасидан фойдаланамиз. Нол оператор деганда, морфологик воситасиз, фақат нутқий муҳит имкониятини, ёки тил унсуруларининг семантик қуршови (дистрибуцияси) имкониятини тақозо этувчи операторни тушунамиз.

Деривация, албатта, бирор материал асосида воқеланади. Бундай материал ёки хомашё дериватологияда операнд деб юритилади. Масалан, юқорида берилган микроматнларнинг ҳар иккиси ҳам ҳосила структуралар (дериватлар) тарзида таркибсиз, яъни ёлғиз сўз билан берилган операндларга (деривация материалга, хомпашёсига) асосланаётганини кўрамиз.

Сўз бирикмаси қолипидаги микроматнлар ҳам баъзи хусусиятларига кўра мустақил сўз билан ифодаланган микроматнларга ўхшайди. Буни биринчи галда улар орқали тугал фикр ифодаси берилишида кузатамиз. Бундан ташқари, мазкур микроматнлар ҳам бирор санъат асарининг, муайян воқеа - ходисаларнинг номларини аташда, пештоқ ёзувлари материалда воқеланади. Масалан, Ч. Аҳмаровнинг «Алпомиш ва Ойбарчин», «Зулматдан зиё», «Мева кўтарган қиз», «Аёл портретети» ёки инглиз адабиётидаги William.M.Thackerayning «Vanity fair», O.Wildening «The picture of Dorian Gray», R.Stevensonning «Treasure Island» сингари санъат асарларининг ҳар бирига қўйилган алоҳида номлар, «Саноат моллари», «Қариялар уйи», «Play bill», «Hardware goods», «Korean Cuisine» каби пештоқ ёзувлари микроматн саналади, зотан, бундай вазиятда ҳар бир бирикма орқали матнга хос бўлган фикр тугаллиги ва яхлитлиги ўз аксини топади.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, микроматн мақомида келаётган сўз бирикмаси одатдаги сўз бирикмаларидан кескин фарқланади. Равшанки, анъанавий тилшуносликда сўз бирикмаси нопредикатив номинатив

<sup>1</sup> Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990, 7-9 - бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики-1972.- М.,1973.-С.599.



бирлик сифатида талқин этилади<sup>3</sup>. Бундай бирликларни Е. С. Кубрякова кичик синтаксисда ўрганиш лозимлигини таъкидлайди ва улар жумласига барча мослашув, бошқарув, битишув алоқасидаги синтактик қурилмаларни киритади. Е.С. Кубрякова шу билан бирга, сўз бирикмалари синтаксисини кичик синтаксис деб аташ лозимлигини айтади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, анъанавий тилшуносликда сўз бирикмаси масаласи, унинг лингвистик мақоми ҳамон изоҳталабдир. Уни баъзи тилшунослар тил бирлиги деб атасалар, айрим олимлар нутқ бирлиги деб, бошқалари эса на тил, на нутқ бирлиги деб ҳисоблайдилар. Масалан, Л. М. Васильев сўз бирикмасини қатъий равишда тил бирлиги деб талқин этса<sup>4</sup>, Ю. В. Фоменко уни тил бирликлари жумласига ҳам, нутқ бирликлари қаторига ҳам қўшмайди, балки гап таркибида воқеланувчи эркин комбинация маҳсули деб атайди<sup>5</sup>. Бизнинг тадқиқотимизда эса эркин сўз бирикмалари нутқ бирлиги сифатида талқин этилмоқда.

Микроматн тарзида қўлланаётган сўз бирикмаси, одатда, доимий равишда воқеликка муносабат билдириб предикативлик белгисига эга бўлади. Бунинг асосий боиси мазкур бирикманинг тугалланган фикр ифодасини бериши билан узвий боғлиқдир.

Умуман олганда, сўз бирикмаси воқеликка муносабат билдирганда ҳам, билдирмаганда ҳам номинатив маъно унинг доимий ҳамроҳидир. Бундай сифатга микроматн мақомида келган сўз бирикмаси ҳам эгадир, албатта. Бироқ унда номинативлик глобал кўринишда бўлади. Айни пайтда воқеланаётган номинативлик яхлит фикр ифодасини бериш билан бевосита алоқадордир. Тўғрироғи, у фикр ифодасига сингдирилган бўлади. Масалан,

«*Бизнинг қишлоқ*», «*Our village*» сўз бирикмаси билан берилган санъат асарининг номида, шубҳасиз, аташ маъноси мавжуд, лекин бунда ана шу ном орқали «*Кўринг, ҳавас қилинг! Ана бу гўзал манзара бизнинг қишлоқдир*», «*See, and be desirous! That is a beautiful country sight!*» деган яхлит фикр ифодаси ҳам ўз аксини топмоқда. Бу ўринда Н.Турниёзовнинг қуйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: «Номинативлик маъносини айни пайтда нисбий тушунмоқ керак, зеро, номинативлик билан коммуникативлик ўртасига «*хитой девори*» қўйиб бўлмайди. Ҳатто алоҳида олинган бир сўзда ҳам коммуникативлик белгиси мавжуд бўлиши мумкин»<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Қаранг: Звезинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи.- М., 1976.- С.133-134.

<sup>4</sup> Қаранг: Васильев Л. М. Современная лингвистическая семантика.- М., 1990.- С.48-49.

<sup>5</sup> Қаранг: Фоменко Ю. В. К вопросам о предмете синтаксиса// Предложение в русском языке – Омск, 1985.-С.11.

<sup>6</sup> Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарканд, 1998, 16-бет.



#### Адабиётлар

1. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. – Самарқанд, 1990.
2. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики-1972.- М.,1973.
3. Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи.- М., 1976.- Васильев Л. М. Современная лингвистическая семантика.- М., 1990.
4. Фоменко Ю. В. К вопросам о предмете синтаксиса// Предложение в русском языке – Омск, 1985.
5. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд, 1998.

*Турниязова Ш. Некоторые соображения о микротексте и его деривационных признаках (на материале английского и узбекского языков). В статье рассматривается вопрос о деривационных признаках микротекста. При этом основное внимание автора уделяется тому, что о синтаксической деривации микротекста речь может идти только тогда, когда он представляет собой производную структуру.*

*Turniyazova Sh. Some considerations of microtext and its derivational features (based on the English and Uzbek languages). In the article the questions of derivational characteristics of microtext are considered. In this case, special attention is paid to the fact that syntactic derivation of microtext speech can go only when it is a derived structure.*

---

---